



## MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- Noyabr 2021  
Ma'qullandi: 05- Noyabr 2021  
Chop etildi: 10- Noyabr 2021

## KALIT SO'ZLAR

биология, экскурсия,  
дидактика, табиат-  
инсон-жамият

## БИОЛОГИЯ ФАНИДАН ЭКСКУРСИЯ ДАРСЛАРИ

Илҳомиддинова Шаҳризода Усмон қизи

Қарши давлат университети  
биология йўналиши 3-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5674287>

## ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада биология фанидан экскурсия дарсларини ташкил этишга оид айрим масалалар баён этилган*

Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий, маданий дунёқарашини бойитишда ўқувчи-ёшлар билан экскурсия дарсларини уюштириш яхши самара беради. Экскурсия дарслари ўқувчиларга нафақат фанга оид билимларини мустаҳкамлашда ёрдам беради, балки тарбиявий жиҳатдан ҳам ўз ўрнига эга.

Умумтаълим мактаблари биология дарсларида ўқувчиларни биологик ўлка материаллардан таништиришнинг энг мақбул шакли экскурсия машғулотларини ташкил этиш ҳисобланади. Экскурсия биологияни ўқитишнинг муҳим шакли бўлиб, у тирик организмларнинг тузилиши ва органларнинг функцияларидаги ўзига хос хусусиятларни яшаш муҳитига боғлиқ ҳолда ўрганилиши ўқувчилар томонидан биологик қонуниятларни

“табиат-инсон-жамият” муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганиш каби дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда самарали ташкил этилган экскурсияларда ўқувчиларда биологик объектларнинг тузилиши, ривожланиши ва ҳаётий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ англаш имконини беради.

Ўқитувчи раҳбарлигида табиатдаги мавсумий ўзгаришларларни кузатиш, тирик организмларнинг хилма-хиллиги, яшаш муҳитига мослашиши, улар ўртасидаги биологик алоқа формаларини ўрганиш, ўқувчиларда оламни яхлит тасаввур қилиш, табиий жамоаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорлик ҳақидаги билимларни шакллантириш, табиий муҳитда тирик организмларнинг



яшаш шароити билан танишиш мақсадида экскурсиялар ташкил этилади.

Ўқитишнинг асосий шакли бўлган дарсда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни орттириш, уларни амалиётга қўллаш, табиатга нисбатан онгли муносабат, кузатиш, ўқув ва амалий меҳнат кўникмаларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Экскурсиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ташкил этилишига боғлиқ.

Экскурсия давомида ўқувчилар амал қилиши лозим бўлган тартиб қоидалар билан таништириш, онгли интизомни сақлаш, берилган ўқув топшириқларни бажаришда фаолликни кўрсатиш, нотаниш ўсимлик ва ҳайвонлардан эҳтиёт бўлишни ўқитиш зарур. Экскурсия давомида

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда уларни кичик гуруҳларга ажратиш, кичик гуруҳ учун ўқувчилардан етакчи тайинлаш, етакчи зиммасига гуруҳ аъзоларининг тартиб интизомини таъминлаш, ўқув топшириқларининг бекаму-кўст бажарилиши, экскурсия ҳисоботини расмийлаштириш учун жавобгарлик юкланади.

Хулоса, биология дарсларида экскурсия дарсларини ташкил этиш ўқувчиларнинг объектларни таниш, ҳодисаларни кузатиш, ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқлаш ва хулоса чиқаришга ўргатади, мантиқий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш билан бир қаторда табиатнинг илмий-тадқиқот методларини англаш, зарур ҳолларда улардан фойдаланишга имкон яратади.

## References:

1. Tolipova J.O. "Biologiyani o'qitishda pedagogik texnologiyalar" "Cho'lpon" nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent – 2011.
2. Толипова Ж. Биология ўқитувчисининг илмий-методик таёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. –Тошкент, 2006.
3. Ўтанов Ў. "Педагогик технология" фанидан маърузалар матни. Самарқанд - 2016.